



**ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКТАБЛАРИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА  
ҚЎЛЛАНМА**

**Марказий Осиё ва Туркиянинг  
қурғоқчилик ва шўрланган қишлоқ  
хўжалиги ишлаб чиқариш  
ландшафтларида табиий ресурсларни  
комплекс бошқариш (САСІLM-2)  
лойиҳаси доирасида  
«ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКТАБЛАРИ»ни  
ташкил этиш бўйича  
ҚЎЛЛАНМА**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг  
Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)

Тошкент – 2020

631.4  
И80

УЎК 631.4(575)  
630\*114.445(575)  
КБК 40.33(5)

М 28


Марказий Осиё ва Туркиянинг қурғоқчилик ва шўрланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ландшафтларида табиий ресурсларни комплекс бошқариш (САСИЛМ-2) лойиҳаси доирасида «ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКТАБЛАРИ»ни ташкил этиш бўйича қўлланма [Матн].- Тошкент: Baktria press,2020.-46 .

**Муаллифлар:** А.Исломов, М. Қосимов

© FAO, 2020

© Baktria press, 2020

ISBN 978-9943-6238-8-0



## ҚИСҚАРТМАЛАР

Қисқартма	Мазмуни
<b>ИСЦАУЗР2</b>	Марказий Осиё ва Туркиянинг қурғоқчил ва шўрланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ландшафтларида табиий ресурсларни комплекс бошқариш
<b>ФАО</b>	Бирлашган миллатлар ташкилотининг Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ташкилоти
<b>ФДМ</b>	Фермерлар дала мактаби
<b>Ф/Х</b>	Фермер хўжалиги



## КИРИШ

Фермерлар дала мактабларини (ФДМ) ташкил қилиш концепцияси бево-сита одамлар билан, уларнинг ижтимоий алоқалари ва тараққиёти билан боғлиқ.

Маълумки, мамлакатимизда фермерлик хўжалик юретишнинг нисбатан янги шакли бўлиб, кўпчилик фермерлар соҳага оид бошланғич махсус билим ва кўникмаларга эга эмаслар. Фермерлик ҳаракати шаклланиши ва ривож-ланишининг турли босқичлари, даврларида, ўша даврга мос бўлган мавзу-лар ҳамда ўқитиш услублари долзарб бўлган. Ҳар бир давр ўша босқич учун муҳим, долзарб бўлган янги вазифаларни ҳал қилган. Бу ўқишлар натижаси-да у ёки бу даражадаги самара билан олдинга қўйилган мақсадларга эришиб келинган.

Шу билан биргаликда, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассис-ларини, фермерларни ўқитишнинг янгича талаб ва вазифалари вужудга кел-ган. Бунинг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари бор.

Бундай сабаблардан бири – бу XX аср охири ва XXI аср бошида юз берган технологик инқилобдир. Бунинг натижасида маълумот ва билимлар шу қадар тез ўзгариб ва кўпайиб бормоқдаки, уларни кузатиб бориш, ўзлаштириш то-бора мушкул вазифа бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга ушбу инқилоб нати-жасида фан ва техника ютуқлари ҳамда имкониятлари шу қадар кенгайдик

бу ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этмасдан рақобатбардош маҳсулот чиқариш, бугунги кун бозорида ўз ўрнини топиш қийин.

Дунё миқёсида юз бераётган жадал ривожланишлар натижасида, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар асосида ташкил қилиш суръатлари ўсиб бормоқда. Ўз навбатида жадал ривожланаётган қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш усулларининг такомиллашиши ҳам кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам фермерларни доимий ва тизимли равишда ўқитишни ташкил қилиш бугунги даврнинг энг долзарб талабларидан биридир.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари дунё миқёсида ушбу йўналишда эришилган ютуқ ва тажрибалар, билим ва кўникмаларни билишининг ўзи етарли бўлмай қолди. Ҳозирги кунда эришилган ютуқ ва тажрибалар билан ҳам амалий танишиш, ҳам уларни бевосита амалиётда қўллашни, бизнинг шароитга мослашганлик даражасини ўрганиш ўта муҳим муаммолардан биридир.

ФДМ қишлоқ аҳолиси учун ўқитиш, улардаги мавжуд кўникмаларини ривожлантириш масалаларини ижобий ҳал қилишга ёрдам беради ҳамда у маҳаллий шароитларнинг ўзига хослигини янги кўникмалар, билимлар ва мавжуд имкониятлар билан бир яхлитликда деб қарашга асосланади.

ФДМнинг асосий вазифаси бу фермерларга технологик, экологик ва бошқа соҳаларда билимлар бериш, уларда табиий ресурсларни комплекс бошқариш бўйича кўникмаларни шакллантириш орқали **барқарор ривожланишни таъминлашдир.**

Қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланишни таъминланишда нафақат маҳсулот етиштириш, балки тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш вазифасини, келажак авлод учун ҳам хизмат қила оладиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш манбаларини сақлаб қолиш билан бирга амалга ошириш лозим.

Бунинг учун эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини уйғунлашган ишлаб чиқариш орқали амалга ошириш керак. Бу эса ўз навбатида атроф-муҳитга, экологияга зиён етказмасдан катта даромад олаётган энг яхши фермерлар амалиётини топиш, ўрганиш ва уни бошқа фермерлар орасида кенг тарғиб қилишни тақозо этади.

Шунинг учун сўнгги йилларда деҳқон ва фермерларни эскича усулда ўқитиб, уларга янги билим ва кўникмаларни бериш билан чекланиш, ушбу тадбирлардан кутилаётган самараларни деярли бермай қўйди.

**Ҳозирги кунда ушбу билим ва кўникмаларни уларга ўзлари фаолият юриладиган ер структурасига бевосита боғлиқ ҳолатда ўрганиш орқали амалга ошириш, ернинг ҳосилдорлигини сақлаб қолишга оид билимларни улар орасида кенгайтириш долзарбдир.**

Бундай ёндашув эса мавжуд анъанавий ўқитиш услубларидан тубдан фарқ қилади. Шу давргача қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўқитиш илм-фан, техника, технологик янгиликларни фермерларга содда тилда тушунтириб бериш орқали амалга оширилган бўлса, **ФДМда билим ва кўникмаларни маҳаллий шароитга бевосита боғлаб шакллантириш, ривожлантириш ва ўргатиш таъминоти илгари сурилади.**

Фермерлар дала мактаби – бу ўқитишнинг янги замонавий усулларида бўлиб, у ижобий ва мавжуд ҳолатни сақлаб қолишга қаратилган омилларни биргаликдаги таҳлили асосида, янги мукамал агротехнологияларни ўзлаштиришга йўналтирилгандир. У ўз ичига фермерларга консультациялар бериш, ўқиш жараёнларини ташкил этиш орқали нафақат фермерларни, балки шу соҳага алоқадор мутахассисларни ҳам малакаси оширилишини, дунёдаги соҳага оид янги технологияларни маҳаллий шароитларда ўзлаштиришларни ҳам қамраб олади.

Фермерлар томонидан ўзгаришларни бошқариш жараёни деганда ҳар бир фермер ёки фермер хўжалиги ўз имкониятларини бошқариш натижасида ўзлари учун маъқул бўлган шароитларни яратиш, барча ички имкониятларни сафарбар қилиш, улардан оқилона фойдаланиш орқали ўз мақсадларига эришиши тушунилади.



*Фермерлар дала мактабининг асосий вазифаларидан бири бу фермерларга янги мақбул технологияларни ишлаб чиқиш, маҳаллий шароитларга мослаштириш ва уларни кенг тарқатиш имкониятини беришдир.*

Хорижий мамлакатлар тажрибаларидан маълумки, Фермерлар дала мактаблари иштирокчилари ўз муаммоларини ҳал қилиш, ностандарт ва муваффиқиятга олиб борувчи йўлларни топиш каби ишларни доимий ва тизимли амалга оширишлари натижасида қишлоқ хўжалигига оид муаммоларини ҳал қилиш бўйича ҳам мутахассис сифатида шаклланиб борадилар.

Ушбу Қўлланма Фермерлар дала мактаблари учун янги дастурларни тузмокчи бўлганлар учун ҳам фойдали бўлиб, ФДМнинг асосий таъминоти ҳар қандай шароитда ҳам самарали маҳсулот етиштириш, ушбу жараёнда тупроқ структурасини бузмаслик, унинг ҳосилдорлигини келажак авлод учун сақлаб қолиш вазифасини инсон капиталини ривожлантириш билан бирга олиб боришни таъминлашдан иборатдир.

Ушбу қўлланма тавсиявий характерига эга бўлиб, ҳар бир лойиҳа мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда у ёки бу бу кўринишда бошқа шаклларда ҳам амалга ошиши мумкин.

# ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

## ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКТАБЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРИХИ

Эзоқ йиллар давомида фермерларни ўқитишнинг “янги технологияларни ўқитиш” модели энг илғор тажрибаларини тарқатишнинг асосий усули бўлиб кетди. Унинг туб моҳияти, фан вакиллари томонидан янги билим ва технологияларни етказиб бериш орқали қишлоқ хўжалиги соҳасида тараққиёт механизмини ҳаракатга келтириш мумкин деган қарашга асосланган эди.

Ушбу ёндашувга кўра олимлар ваколатига фермерлар дуч келаётган техник муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни ҳал қилиш кирази. Маслаҳатчиликнинг вазифаси эса, ўз навбатида, ушбу маълумотларни фермерлар орасида кенг тарғиб қилиш ва оммалаштиришдан иборат деб қараларди. Лекин ўқитишни шу тариқа ташкил қилиш кутилган натижани бермади. Ўқитиш технологияларни ўзлаштириш паст даражада бўлди ҳамда кўп ҳолларда уларни амалиётда қўллаш кўзланган натижаларни бермади.

Бунинг сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- фермерлардаги мавжуд муаммоларнинг ўзига хослигини эътиборга олмаслик;
- ақлимий, маданий, ташкилий масалалар, жамоавий меҳнат самараси ва ҳисобдорликнинг оқимиятига етарли даражада эътибор қилмаслик;
- тажриба вақтинчалик (фермерларнинг) ушбу соҳадаги бой тажрибасининг қўлдан-қўлга ўтказилиши ва улардан етарли даражада фойдаланмаслиги.

Бунинг сабаблар тубайли ўз-ўзидан фермерларни ўқитишнинг янги усулини қўлини толиш зарурияти туғилди.

Ушбу усулнинг 70-йилларида илмий ходимлар ва консултатив хизматларнинг ёрдамида бўйича қатор ишлар амалга оширила бошланди.

Ушбу усулнинг кўпрок фермерларни ушбу жараёнга жалб қилишга имконият берди. Биринчи бўлиб дала тажрибаларини ўтказиш амалиётида ўқитиш усули қўлланди. Энда янги технологияларни ишлаб чиқиш илмий ходимларнинг ёрдамида амалга оширилди, лекин уларни фермерлар томонидан ўзлаштиришнинг имконияти паст даражада эди.

Ушбу усулнинг кўпрок, фермерлар томонидан янги технологияларни ўқитишнинг мақсадида қишлоқ хўжалиги тизими янги усулни қўллаш имконияти берилди. Унга кўра фермерлар муаммоси ўрганилади-ёқилди. Ушбу усулнинг ёрдамида ўқитишнинг моддий-техника базаси яхшиланди, ҳат-



то янги технологияларни ўзлаштиришни рағбатлантириш мақсадида ўғитлар бепул берилди бошланди. Афсуски, бу сафар ҳам ҳолат тубдан ўзгармади, чунки бу ёндашувда ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳамда институционал жиҳатлар орқали ўзгаришларга эришиш мумкинлиги эътиборга олинмаган эди.

Натижада 80-йиллар сўнгида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар (фермер хўжаликлари) учун илмий муассасалар томонидан ишлаб чиқарилган тавсиялар ҳар доим ҳам тўғри келмаслиги маълум бўлиб қолди. Шундан сўнг фермерлар билан ҳамкорликда тадқиқот ва тажрибалар ўтказила бошланди ва 2000 йиллардан бошлаб янги технологияларни фермерлар шароитига мослаб ишлаб чиқаришга киришилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг калити сифатида янги усул ва технологияларни фермерларнинг ўзлари томонидан ёки улар иштирокида ишлаб чиқилиши, ривожлантирилиши ва оммалаштирилиши зарурлиги англаб етилди.

Мазкур ҳолатлар эса Фермерлар дала мактабларининг вужудга келишига асос бўлди. ФДМ қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни ўқитишнинг янги шакллари-дан бўлиб, у дунё миқёсида XX аср охири ва XXI аср бошларида кенг тарқала бошланди.

Баъзан ФДМни маслаҳат хизматлари билан бир хил деб ҳисоблаш ҳолатлари ҳам учраб туради. Лекин маслаҳат хизматларининг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, улар “ўқитиш – бориб жойида кўриш” тизимига асосланган эди. Бу эса юқорида таъкидланганидек, бир ёқлама коммуникация бўлиб, олимлардан фермерларга қараб йўналтирилган эди. Ушбу “юқоридан-пастга” тизими ўз самарасини бермаётганлигини янгиликлар оммавий татбиқ этилмаётганлиги, янги муаммоларни вақтида ҳал эта олмаётганлиги ва бошқалар орқали кўриш мумкин эди.

Бугунги кунда соҳадаги таррақиёт фақатгина қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича технологияларни жорий этиш орқали эмас, балки фермерлар инновацияларни фаол жорий қиладиган, маълумотларни ўзлари тарқатадиган ва ўз фаолиятини ўзлари мувофиқлаштирадиган ижтимоий йўналишларни жорий қилиш орқали амалга оширилмоқда.

Жорий қилиниши керак бўлган техник ечимлар маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда ҳамда комплекс ёндашувлар ва турли-туман билимлар йиғиндисига кўра турлича бўлиши мумкин. Олдин янги технологиялар олимлардан фермерларга етказиб берилган бўлса, энди фермер иштирокида унинг инновацион, экспериментал тажриба жараёнларидаги қатнашиши билан бирга ишлаб чиқилмоқда.

*Демак, хулоса қилиб айтганда, замонавий Фермерлар дала мактабларида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги янги ишланмалар ва технологияларни амалиётга фермерлар билан бирга жорий қилиш, уларни тарқатишда ўзларининг иштирокини таъминлаш билан характерланади.*

## ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКТАБИ МОҲИЯТИ

Фермерлар дала мактаблари, асосан, кичик фермерлар ва ердан фойдаланувчилар учун уларнинг ўзларининг иштирокида тузилади, чунки уларнинг моддий-техника базаси, молиявий ҳамда билим ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятлари чегарланган бўлади. Кўп ҳолларда фермерлар нашлаҳат хизматларидан ҳам фойдаланиш имконига эга бўлмайдилар, энг асосийси эса улар мавжуд бозор тизимига етарли даражада интеграция қилинмаган бўлади.



Ўз малакаларини ошириш ва бозорда ўз ўринларини топиш масалалари, айниқса, майда фермерлар учун устувор вазифалардан бўлиб, бу уларга ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва кенгайтириш, ўз даромадларини ошириш имкониятларини беради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи кичик субъектлар бозор ва экология шарт-шароитларининг ўзгаришидан энг кўп таъсирланадиган қатлам ҳисобланадилар ва улар биохилма-хилликни сақлаш, табиий ресурслар (сув, тупроқ ва бошқалар)ни келажак авлод учун сақлаб қолиш ва бошқаришда муҳим роль ўйнайдилар.



Шу ўринда яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш лозим. Сўнгги йилларда жадал суръатларда рўй бераётган иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, иқлим ўзгариши шундай оқибатларга олиб келадики, аксарият фермер ва бошқа ердан фойдаланувчилар йиллар давомида тўпланган тажрибалари, билим ва кўникмаларидан энди аввалгилдек кенг фойдалана олмайдилар. Шунинг учун фермерларга уларни экологик билимларини оширишга қаратилган ўқишларни ташкил қилиш устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим. Янги шароитда шаклланган янги билимлар уларга ўзгаришларни бошқариш жараёнида фаол иштирок этиш имконини беради.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Бозор муносабатларининг шаклланиши молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларнинг ортиши натижасида нисбатан майда фермерлар ҳаётида пул катта аҳамият касб эта бошлади. Натижада анъанавий экинлар ўрнига юқори даромад келтирадиган бозорбоп маҳсулотлар етиштириш, уларни етиштиришда бозор талабларига қараб жавоб бериш биринчи ўринга чиқиб қолмоқда.

Юқорида келтирилган сабабларга кўра, айниқса майда фермерлар, индивидуал ишлаб чиқариш доирасидан чиқиб кетдилар, яъни улар аввал ўзаро бирлашмаган ҳолда маҳсулот етиштириб сотиб даромад олган бўлсалар, эндиликда юқорида қайд этилган муаммоларни олимлар, маслаҳатчилар билан ҳамкорликда ҳал қилиш зарурияти уйғонди. Жадал суръатларда ўзгараётган шароитлар фермерларга ўзаро, шунингдек илм-фан билан янги шаклларда ҳамкорлик қилиш, муаммоларни ҳал қилиш жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш лозимлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, фермерлардаги мавжуд муаммоларнинг техник, ижтимоий ва молиявий жиҳатларини яхлит деб қарайдиган, комплекс ёндашувга, ҳар қандай танқидий фикрлашга асосланган муаммолар таҳлилларни ўз ичига олган фермерлар дала мактаблари ушбу қийин шароитларга фермерларнинг муаммоларини осонлаштириши учун тузилади.

СДМда фермерлар ўзаро ва олимлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишлари, бунда уларнинг шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда янги агротехнологияларнинг жорий қилинишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

*Фермерлар дала мактабларининг ўзига хослиги ҳақида гапирганда ҳамкорликда деган тамойил ҳал қилувчи аҳамиятга эга:*

- иш режаларини ишлаб чиқиш ва ўқитиш жараёнида фермерлар эҳтиёжларини ўрганиб чиқиш ва таклиф этилаётган техник ечимларни қўллашни **ҳамкорликда** амалга ошириш;
- **ҳамкорликда** ўқитиш усулларида фойдаланиш;
- тадбирлар ва иш режаларини тузишда, дала ишларини амалга оширишда, янги агротехнологияларни қўллашда **ҳамкорликда** ўрганадиган усул ва методикалардан фойдаланиш.

Хулоса ўрнида фермерларни ўқитишнинг олдинги тизими билан ҳозирги янги таклиф қилинаётган тизимнинг солиштирама характеристикасини кўриб чиқамиз.

Баҳолаш омиллари	«Технологияларни узатиш» усули	«Фермерлар дала мактаби» усули
Асосий мақсад	Технологияларни узатиш	Фермерлар имкониятини ошириш
Эҳтиёжларни ўрганиш ва устуворликларни аниқлаш	Ташқи мутахассислар томонидан аниқланади	Ташқи мутахассислар ёрдамида фермерлар томонидан аниқланади
Маслаҳатлар характери	Бўйруқ кўринишига эга бўлиб, кўп ҳолларда бир комплекс методлар йиғиндиси сифатида бўлади	Асосий ғоялар Методлар Танлаш имкони
Ўқувлар/ Маслаҳатлар мавзуси	Олдиндан белгиланган	Танлов асосида
Фермерлар хулқ-атвори	Таклифларни эшитишади, бошқарув асосида фаолият кўрсатадилар, берилган таклифларни ёки қабул қилишади, ёки тўлдиришади ёки инкор қилишади	Танлов асосида иш олиб борадилар, тажриба ўтказадилар, кўп таклифлардан бирини қабул қиладилар
Ташқи мутахассислар нуқтаи назаридан кутилаётган натижалар	Технологиялар ёки таклифлар йиғиндисининг кенг тарқалиши	Фермерлар учун кенг танлов имконияти, технологияларни ўзининг ери шароитидан келиб чиққан ҳолда қўллаш
Маълумотларни узатиш услуги	Маслаҳат хизмати вакили маълумотларни фермерларга узатади	Маълумот асосан, фермердан фермерга узатилади
Маслаҳат хизмати вакилининг мавқеи	Ўргатувчи, инструктор	Ёрдамчи – фасилитатор, ечимларни топишга ва уларни амалга оширишга кўмаклашади



## ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКТАБЛАРИ ВА КАТТА ЁШДАГИЛАРНИ ЎҚИТИШ

Ўқорида кўрсатилган тартибда ўқитиш учун Фермерлар дала мактаблари инструктор ва фасилитаторлари катта ёшдагиларни ўқитиш тамойилларидан набардор бўлишлари лозим. Бирлашган миллатлар ташкилотининг Барқарор энвоқланиш мақсадларида бир умрлик ўқиш тамойили ҳам кўрсатиб кетилган.

Билмнинг асосий сабабларидан бири бу XXI аср технологик ва ахборот асри инновациядир. Ҳозирги кунда технологик инқилоблар жуда шиддат билан ривожланиб бормоқда, билимлар тобора ортиб бориши билан бирга улар жуда тез ўзгариб бормоқда.

Ўзгариб бораётган билимлар тез ўзгариши билан бирга янги технологик ишланмалар ва таркибий ўзгаришлар тез содир бўлмоқда, кеча долзарб бўлиб турган билимлар ва билимлар бугун ўз аҳамиятини йўқотиб қўймоқда.

Ҳозирги кунда формал ўқиш билан бир қаторда ноформал ўқишнинг нуқтаи назари бўлмоқда, ундан ташқари кундалик тўсатдан ўрганиш услуби ҳам ривожланиб бормоқда (масалан, дуч келиш ва уни ўрганиш орқали ўқиш) тобора оммавийлашмоқда. Инсон 20–25 ёшигача формал ўқишни деярли яқунлаб бўлади, шундан кейин қолган қисмида эса ноформал билим олиш орқали ўз устида

Ўзбекистонда фермер хўжаликлари раҳбарларининг бир қисми қишлоқ хўжалиги соҳасида махсус фундаментал билимларга (олий ва ўрта-махсус маълумотга) эга. Чунки фермер хўжаликларини ташкил қилишда танлов жараёнидаги бериладиган устуворликлардан бири фермер хўжалиги ташкил қилмоқчи бўлган шахснинг қишлоқ хўжалиги соҳасида олий ёки ўрта махсус кўникмага эга бўлиши шартлигидир. Бироқ, фермер хўжаликлари раҳбарларининг 15–20 йил олдин олинган махсус билим ва кўникмалари бугунги кун тараққиёт динамикаси талабларига деярли жавоб бермай қўйди.

Ҳозир тобора оммалашиб бораётган ўқитиш тамойилларидан бири бу **Soft skills**, яъни юмшоқ, мослашувчан кўникмаларга ўқитишдир. Агар формал ўқиш (институт, коллеж, лицей) натижасида инсон бирон соҳа бўйича фундаментал билимлар яъни, **Hard skills**ни ўзлаштирса, ноформал ўқиш эса мослашувчан, қайишқоқ кўникмаларни шакллантиради. Бугунги кунда **Soft skills** энг асосий билиш манбаларидан бирига айланиб бормоқда. Фермерлар дала мактабининг ҳам асосий вазифаларидан бири ҳам мана шу “юмшоқ кўникмалар”ни шакллантиришдир.



Аввало, қайси билим ва кўникмалар **Soft skills** нинг таркибига киради, деган саволга аниқлик киритиб олиш зарур.

**Soft skills** деб қаралаётган кўникмалар қуйидагилар:

- коммуникация, мулоқот кўникмалари;
- таҳлилий (аналитик) фикрлаш;
- танқидий фикрлаш;
- тизимли фикрлаш;
- лидерлик кўникмалари;
- ижобий (позитив) фикрлаш;
- тайм-менежмент;
- жамоада ишлай олиш қобилияти;
- креативлик, ижобийлик;
- қарор қабул қила олиш қобилияти ва бошқалар.

Демак, йиллар давомида фермерларга янги маълумот ва технологияларни етказиб бериш орқали фан арбоблари томонидан ўқитилиши бу – **Hard skills** ни фермерларга етказиб берилиши бўлса, унда **Soft skills**, яъни мослашувчан кўникмалар шаклланиши чуқур эътиборга олинмас эди. Натижада бу билим ва технологиялар фермерлар учун ташқаридан келтирилган бегона фикрдек бўлар ва улар томонидан кўп ҳолларда қабул қилинмас эди.

Фермерлар дала мактабининг асосий тамойили эса уларга маъруза ўқиш ва семинар орқали маълумотлар бериш эмас, балки фермерлар, олимлар билан ҳамкорликда танқидий, таҳлилий, аналитик тафаккур ёрдамида, ўзаро мулоқот, кузатув орқали янги билимларни шакллантириш ва уларни амалиётга татбиқ этишдир.

Бунда фермер нафақат махсус қишлоқ хўжалигига оид билим ва кўникмаларини, балки шахсий ўсиш, инсонийлик кўникмаларини ривожлантириш орқали ҳам моддий, ҳам маънавий ўсишга эришади.

**Soft skillsning** фермерларда ривожлантиришнинг яна бир муҳим жиҳати, бу унинг йиллар давомида тўплаган билим ва кўникмаларига таянган ҳолда амалга оширишидир. Катта ёшдагилар ўзларининг ҳаётда орттирган тажрибалари орқали ўқитилсагина ўз устларида сидқидилдан ишлайдилар. Улар тўплаган тажрибаларининг мазмуни эса ўз навбатида, улар кунига меҳр беғлаб ишлайдиган ерларининг ўзига хослиги билан бевосита боғлиқдир.

**Шунинг учун Фермерлар дала мактабида ўқитишнинг асосий йўналишларидан бири бу фермерларнинг ўз ерларига, тажрибаларига, кўникмаларига бевосита боғлаб ўқитишдир.**

**SDVU Axborot-  
resurs markazi**  
Inv № 8p33505/51





Юқоридагиларнинг барчаси охир-оқибат фермерларда қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантиришга олиб келади, бу кўникма эса жамиятдаги, табиатдаги ўзгаришларга фермерларнинг доимо тайёр бўлишларига, уларни ўзлари мустақил оқилона бошқара олишларига замин бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, Фермерлар дала мактаблари ўз зиммасига қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришдан ташқари шу ҳамжамиятда катта ёшдагиларни ўқитишнинг кенг майдончасини ташкил қилиб қишлоқ жойларда инсон капиталининг ўсишини ҳам таъминлаши лозим.

Албатта бундай глобал вазифалар аввал фермерларни деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида ўзгараётган иқлим шароитларни оқилона бошқаришга хизмат қиладиган технология ва усулларни ўргатиш орқали амалга оширилади. Фермерлар ўз фаолиятлари доирасида қўшимча билим ва кўникма олиш жараёнида шахс сифатида ўсиб, шаклланиб борадилар ва уларда кенг қамровли таҳлил қилиш, аналитик фикрлаш, қарор қабул қилиш каби кўникмалар ривожланиб жамият тараққиётига алоқадор вазифаларни ҳам ечиб борадилар.

Юқорида таъкидланганидек, бу мактабларнинг энг асосий вазифа ва йўналиши – бу муаммоларни фермерларнинг ерларига бевосита боғлаб ўргатишдир. **Бунинг асосий тамойили эса фермерлар эҳтиёжлари ва атроф-муҳитдаги табиий ўзгаришлар чақириқларидан келиб чиқиб ўқитишдир.**

Фермерлар дала мактабларини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш

Фермерлар иқтисодий салоҳиятини ошириш, табиатдаги ўзгаришларни (қурғоқчилик, шўрланиш) оқилона бошқаришга ўқитишга йўналтириш орқали ташкил этиш бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради. Улар олимлар ва фермерларнинг ҳаётий муаммоларни маҳаллий даражада ҳал қилишдаги **ҳамкорлигини** йўлга қўйиш имконини беради.

**Мазкур ҳамкорликда фермерлар ҳам билим манбаи, ҳам ўзгаришлар ташаббускори деб қаралади.**

Фермерларда атроф-муҳит ва ўз деҳқончилик тизимларини ўзгартиришга жудда катта салоҳият мавжуд бўлиб, ушбу салоҳият нафақат озиқ-овқат хавфсизлигини, балки экологик хавфсизликни ҳам таъминлаш имконини беради. Уларни нафақат бирламчи махсус билимларини ошириш орқали, балки уларнинг қабул қилиш жараёнини, тассавурини ўзгартириш йўли билан ҳам амалга ошириш самарали натижани беради.

**Шундай қилиб, маҳаллий илмий ходимлар ва тадқиқотчилар билан фермерлар ҳамкорлигини йўлга қўйишни дала мактабини ташкил этишда муҳим вазифалардан бири деб эмас, балки энг асосий масала деб қараш лозим.**

Ўз табиатига кўра фермерлар дала мактаблари экологик хавфсиздир. Сўнгги йиллардаги иқлим ўзгаришлари, қурғоқчилик, шўрланиш даражасининг ортиб бориш, тупроқ эрозиясининг кучайиши натижасида унинг структура-санинг бузилиши, яйлов, ўрмонларнинг кескин камайиб кетиши, турли хил эракуанда ва ҳашоратларнинг кўпайиб кетиши ва бошқалар маҳаллий ҳаққониятлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Демак, ҳамжамият даражасидаги муаммолар уларнинг ерлари, ландшафтлари таркибини бевоқифа ўрганиб, шу муҳитга мос ҳолда фаолият олиб боришни, ишлаб чиқилган технологияларни улар шароитига мослаштиришни тақозо этади.

Шу ўринда, етарли даромад бера оладиган янги маҳсулот ва экинларни экиш, экинлар диверсификациясини амалга ошириш, маҳсулотларни бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш учун ҳамжамиятдагилар билан ҳамкорлик, шунингдек, бошқа субъектлар билан координация муҳим аспект ҳисоб этилади.

Қўшиб турганимиздек, **Фермерлар дала мактаблари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида тупроқ унумдорлигини сақлаш, маҳсулотларни инновацион агротехнологиялар ёрдамида етиштириш ва шу етиштирилган маҳсулотни қўшимча қиймат занжирини яратиш жараёнига қўшиб кириш ва инсонни шахсий ўсишига хизмат қилиш каби бир қатор вазифаларни комплекс ҳал қилиб боришга мўлжалланган бўлиши лозим.**

## ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКТАБЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Фермерлар дала мактаблари маълум бир жойдаги фермерлар гуруҳидан иборат бўлади. Бу гуруҳ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасининг бир босқичини тўлиқ қамраб олинган муддатга тузилади, бу деҳқончилик йўналишида **“уруғдан – уруқча”** бўлган даврни ўз ичига олса, чорвачилик йўналишида эса, **“кўпайишдан – кўпайишгача”** даврни ўз ичига олади. Бу базавий даврда иштирокчилар маҳсулот етиштиришни тўлиқ циклини кузатиш имконига эга бўладилар. Улар олинган натижаларни ушбу давр давомида солиштириш ва танқидий кўриб чиқишлари ҳам мумкин бўлади.

Мактаб фаолиятини бошлаш даврида танлаб олинган мавзулар доираси жуда кенг бўлиши шарт эмас. Дастлабки босқичларда фермерлар учун бевоқифлик долзарб бўлиб турган бир нечта мавзу билан чегараланиб, кейин ўқитиш йўналишлари ортиб бориши мумкин. Унутмаслик керакки, мактаб дастури ўзгартиришларга мослашувчан бўлиб, жойларда фермерлар томонидан чиқилган **“пастдан юқорига”** ташаббусларни ҳам ўз ичига қамраб олган бўлиши лозим.

Дастлабки Фермерлар дала мактаблари стратегиясининг шаклланиш жараёнига Юрген Хабермас (Habermas, 1984) ғояси асос бўлган эди. Унга кўра ўқитиш жараёни интерфаол усул деб қаралиб, бунда катта ёшдагилар ўз фикр ва ғояларини эркин айта олишлари, бир-бирларини ҳурмат қилишлари ва қўллаб-қувватлашлари тушунилган. Улар ўзига ўхшаган инсонлар давра-сида тажриба орттириш ва таҳлил қилиш орқали муаммо ва қарама-қаршиликларни ҳал қилишга ўргатиш тамойили асосида ўқийдилар. Ўқитиш сифати юқори бўлган жойларда фермерларнинг ўзлари мураккаб масалаларни ҳал қила олганлар.

Масалан, маълум аниқ агроэкологизмда пестицидларни қўллаш мумкинми ёки йўқ. Бунда улар ташқи муҳитдан келган таъсирларга кўр-кўрона эргашмасдан келажакни ўйлаб, масъулият билан ўз шароитларининг аниқ экологик ҳолатидан келиб чиқиб, кенгроқ хулоса қилиш натижасида ушбу саволга жавоб топишлари мумкин.

Ю. Хабермас катта ёшли инсонларнинг мотивацияларини атрофлича ўрганиб чиқиб, улар учта соҳада мавжудлигини қайд этади: **иш фаолиятида, ижтимоий муносабатларда ва ҳокимиятда**. Бу уч соҳа эса уч хил ўқитиш босқичлари билан боғлиқдир: техник, амалий ҳамда кўникмаларини ошириш/мустақил қарор қабул қилиш даражасида. Техник даражадаги ўқишда асосий эътибор агротизим комплексида соғлом маҳсулот етиштиришга қаратилган бўлиб, бу ўз навбатида ўсимликларда касаллик ва зараркунандаларнинг пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган бўлади. Амалий даражадаги ўқишда фермерларнинг сўз бойликларини кузатувлар натижасида ошириш, нутқ маданиятини юксалтириш вазифалари ҳам қамраб олинган.

Фермерлар дала мактабларида жамоавий ўқитиш кенг қўлланилиши натижасида фермерлар ўртасида ижтимоий алмашинув ва ўзаро ҳамкорлик нимадигани чуқур ҳис қилишлари имконига эга бўладилар.

Демак, фермерлар дала мактаблари қуйидаги ажралмас элементлардан ташкил топади:

- фермерлар эҳтиёжи ва истаклари энг муҳим ҳаракатга келтирувчи омил ва барча дастурлар асоси – **танлаб олинган ўқув мавзусида ФДМ иштирокчиларининг ҳар бири иштирок этиб, ўз таклиф ва истакларини бериши лозим. Мазмунан ўқув режаси маҳаллий билимлар тизимидан иборат бўлиб, у илмий концепцияни маҳаллий шароитда самара бериш-бермаслигига жавоб бериши керак;**
- маҳаллий фермерлар билим ва тажрибалари олимлар томонидан янги билим ва технологияларнинг яратилишига ва уларнинг оммалашishiга асос бўлади – **ФДМда маҳсулот етиштириш босқичларига алоқадор мавсум давомида фаолият юритадиган фаол ўқитиш макони яратилди;**
- ФДМ ва уларнинг дастурлари асосида ўрганиш ва янги билимларни вужудга келтиришдир:
- а) ФДМ ўқув ва тажриба участкаси бу дала майдонидир;
- б) ўқитишнинг энг биринчи ва асосий тамойили бу тартиблаштирилган тажриба жараёни;
- в) ўқиш жараёнида асосий эътибор – кузутувчанлик, танқидий таҳлил, фикрлар алмашинуви ва муҳокамалар, қарор қабул қилиш, хулосалар асосида маҳаллий ва илмий билимлар уйғунлиги;
- ўқитиш жараёни узлуксиздир, учрашувлар доимий равишда олиб борилади, деҳқон ва чорвадорларнинг қарор қабул қилиш имконига эга бўлиш имкони муҳим аҳамият касб этади;
- ёш ва гендер бўйича турли-туманлик ФДМ фаолиятини бойитади ва унинг ранг-баранг бўлишига хизмат қилади;
- босил билим олиш жараёнини ташкиллаштирувчи махсус билимга эга ва шундан тайёрланган фасилитаторлар. Улар ўқиш жараёнини енлиллаштириб, гуруҳ ишини қўйилган мақсад сари йўналтириб турадилар.

## ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКТАБЛАРИ ДАСТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Фермерлар дала мактабларининг ташкил топиши уч ўзаро узвий боғлиқ бўлган даражаларда олиб борилади ва улар бир-бирларини тақозо этади. Юқорида таъкидланганидек, фермерлар дала мактаблари асосчиларидан бири Ю. Хабермас фикрича фермер ҳаётининг уч жиҳати муҳим :

- а) *меҳнат фаолияти, иши;*
- б) *ижтимоий муҳити;*
- в) *қарор қабул қилиш имконияти.*

Шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда фермерлар дала мактабларини ҳам шу жиҳатлар асосида ташкил этиш мумкин.

**Биринчи босқич**, бу ҳукумат, қарор қабул қилувчи ташкилотларга таъсир кўрсатиб, қуръоқчилик ва шўрланиш шароитларида ерлардан мўл ҳосил олиш, уларнинг структурасини сақлаб қолиш учун хизмат қиладиган қарор ва фармонларни, давлат дастурларини қабул қилишга таъсир кўрсатиб бориш. Чунки ер ландшафтининг ўзгариши, уларнинг емирилишини олдини олиш, ўзгараётган иқлим шароитига мос бўлиш, ўзгаришларни оқилона бошқариш бир ҳамжамият, қишлоқ даражасида амалга ошадиган фаолиятдир.

Фермерлар дала участкасидаги тажрибалар, у ерда олимлар билан ҳамкорликда яратилаётган янги технология ва инновациялар ушбу даражага олиб чиқилиб, нафақат кичик бир участкада, балки бутун республика бўйлаб амалга ошириш учун оммалаштириш имконини беради.

Бундан ташқари, мавжуд илмий-техник институтлар, инфратузилмалар фаолиятини иқлим ўзгариши оқибатларини оқилона бошқариш йўлида қайта ташкил этилишига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақсадларга эса, мутасадди ташкилот вакиллари билан ҳамкорликда, улар учун турли семинарлар, конференциялар, учрашувлар ўтказиш, ушбу имкониятларни амалдаги ижобатини кўрсатиш орқали эришиш мумкин.

**Иккинчи босқич**, бу илмий ходимлар, изланувчилар, шу соҳага алоқадар ташкилот ва институтлар, махсус нодавлат ташкилотлар вакиллари даражасида олиб бориладиган ишлар кўламини аниқлаштириш. Бунда, юқорида таъкидланганидек, фермерлар даласи ва илмий изланиш лабораторияларини уйғунлаштириш, олимлар ўз илмий лабораторияларида яратган технологияларни фермерларга осон тилда етказиб бериш билан кифояланмасдан, уларни ўзгариб бораётган ерларига боғлаб янгиликлар яратиш ёки яратган янги технологияларни бевосита фермер ерига мослаштиришлари лозим. Фермерлар дала мактабларини ва уларнинг дастурларини тузишда ушбу даражада амалга оширилиши керак бўладиган тадбирлар режасини ҳам назарда тутиш, ушбу дастурлар фермерлар билан олим ва изланувчилар ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этишга хизмат қилиши лозим.



Яна бир масалани таъкидлаб ўтиш зарурки, бунда нафақат маҳаллий шароитда фаолият кўрсатадиган илмий ходимлар, балки чет элда ўхшаш иқлим ва шароитларда маҳсулот етиштириш бўйича орттирилган тажрибаларини, ўша шароитлар учун ишлаб чиқарилган технологияларни ҳам ўрганиб, бизни шароитга мослаштириш масаларидан ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

**Учинчи босқич** эса, бевосита ер эгалари билан амалга ошириладиган тадбирлар режасини тузишдир. Юқорида қайд этилганидек, фермерлар дала мактабининг энг асосий тамойили барча агротехника ва инновациялар бевосита аниқ ер участкасига боғлаб амалга оширилиши ҳамда жорий этилиши, уларни оммалаштириш ҳам худди шу усулларни қўлламоқчи бўлган фермер ерига мослаб амалга оширилишидадир. Дастур тузаётганда эса фермерларни танланган участкага яқин ёки айнан шу участка ер структурасига ўхшаш ери бор фермерлар билан ҳамкорликда бевосита далада доимий кузатувлар ўтказиш орқали ўрганишни ташкил қилишга эътибор қаратиш керак.

Ўз номидан келиб чиқадиган бўлсак, Фермерлар дала мактабининг асосий мезони фермер ва унинг манфаати ҳисобланади. **Ҳар уч босқичдаги ҳар бир тадбир ва учрашувларнинг пировард мақсади фермер учун қулайлик яратиш, унинг еридан мўл ҳосил олиш, шу билан бирга улар ерларининг ҳосилдорлигини сақлаб қолишга, самарадорлигини оширишга йўналтирилган бўлиши шарт.** Бугун фермерлар фойдаланиб даромад олаётган ерларининг иқлим шароитининг ўзгариши, унинг қурғоқчилик, шўрланиш каби бошқа бир қатор

салбий оқибатларига тайёр туришга, уларни бошқаришга, очарчиликнинг олдини олишга, келажак авлод учун муносиб ҳосилдор ерлар сифатида сақлаб қолишга хизмат қилиши лозим.

## ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКТАБЛАРИ ДАСТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУДДАТЛАРИ

Ҳар бир даражадаги мақсадли гуруҳ учун тузилган Дастурлар муддатига кўра бир-бирларидан фарқ қилиши мумкин. Сиёсий, миллий даражадаги тадбир ва учрашувлар кўп ҳолларда бир марталик бўлиши, асосий мақсад эса тадбирлар иштирокчиларини олинган тажриба ва ютуқлардан хабардор қилиш ва давлат Дастурларига керакли ўзгартиришлар киритишга эришишдир.

Илмий ходим, изланувчилар даражасида эса уларнинг тадқиқотлари билан бевосита боғлиқ бўлиши ва тажриба муддатларидан келиб чиқилган ҳолда Дастурлар тузилиши мумкин.



Фермерлар дала мактабининг бевосита иштирокчилари бўлмиш фермерлар учун тузиладиган дастурларни энг қисқа муддати бу, юқорида қайд қилинганидек, деҳқончиликда **“уруғдан уруғгача”**, чорвачиликда **“кўпайишдан кўпайишгача”** бўлган даврга тузилади. Бундан фермерлар йил/мавсум даво-

қанда амалга ошириладиган тажрибани босқичма босқич, ҳар бир даврини алоҳида кузатиб бориш ва унда иштирок этиш имконига эга бўладилар.

Фермерлар дала мактабининг ўзига хослигидан келиб чиқиб учала даражани ўз ичига оладиган оптимал муддат бу 2 йилдан кам бўлмаган муддат белгибланади. Чунки биринчи йили олинган натижалар аниқ бўлмаслиги ёки келаси йилда об-ҳаво шароитлари бошқача бўлиши мумкин.

Бундан ташқари биринчи йил олинган натижалар олимлар томонидан ўрнатиб чиқилиши, исботланиши керак, кейинги йилларда эса уларнинг қарор қабул қилиш даражаси, соҳа вакиллари, тегишли ташкилотлар ва манфаатдор гуруҳлар олдида тарғиб қилиниши ва амалиётга татбиқ этишга имкон қилиниши мумкин бўлади.

Бир масала – ҳар бир фермерлар дала мактаблари дастурлари доирасида қўйилган аниқ мақсадлар учун уни амалга оширувчи мутахассис ва экспертлар керак бўлади. Лойиҳанинг дастлабки йиллари эса ана шу мутахассис ва экспертларни танлаб олиш, ўқитиш ва улар учун иш режа ишлаб чиқишга эришилганда.

Қўридагилардан келиб чиқиб Фермерлар дала мактабларини ташкил қилиш муддати қўйилган мақсадга кўра **2 йилдан 5 йилгача** бўлиши мақсадга мувофиқдир. Албатта бир йиллик, 6 ойлик мактаблар ҳам фаолият юритиши мумкин, бу ўша лойиҳанинг мақсади ва ўзига хослигига боғлиқ бўлиб, агар мақсадларга қисқа муддатларда эришиш мумкин бўлса, демак бундай мактаблар амалиётдан ҳам фойдаланса бўлади.

Баъзи ҳолатларда эса, фермерлар дала мактабларини, агар уларни мақсаддор қўйғун бўлса, мавжуд глобал лойиҳа ёки амалга ошириладиган дастурлар доирасига киритиб юбориш мумкин. Бунда фермерлар дала мактаблари дастурини фаолият кўрсатиш муддати ушбу лойиҳа муддатларига боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

## ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКТАБИ ВА МАҲАЛЛИЙ ҲАМЖАМИЯТ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Фермерлар дала мактабларини ташкил қилиш, улар дастурини тузишдан олдин маҳаллий ҳамкорлар билан керакли алоқаларни йўлга қўйиб олиш керак. Шунинг учун ушбу мактабларни очишдан олдин қуйидаги бир қатор шартларни амалга ошириш лозим:

• маҳаллий манфаатдор гуруҳлар (қишлоқ хўжалиги бўлими, фермерлар кенгаши, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган илмий-тадқиқот институтилари, нодавлат ташкилотлари ва бошқалар) билан учрашувлар, ўза-



- ро маслаҳат ва музокаралар ўтказиш, уларга ФДМ моҳиятини тушунириб бериш ва улар билан ҳамкорликда тажриба участкаларини аниқлаш;
- ушбу ҳудудга оид иккиламчи маълумотлар-статистик маълумотлар олиши сони, таркиби, олдин ўтказилган семинар ва учрашувлар, демография ва бошқа тадқиқот натижалари билан танишиб чиқиш. Натижаларни ҳудуд учун долзарб бўлган эҳтиёжларни, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
  - маҳаллий ҳамкорлар билан бирламчи ижтимоий-иқтисодий таҳлилларни ўтказиш орқали ушбу ҳудудда амалга оширилиши мумкин бўлган тадбирлар йўналишини аниқлаш, унда иштирок этиши мумкин бўлган иштирокчилар хусусиятларини ўрганиш;
  - маҳаллий ҳамкорлар билан билан учрашувлар ўтказиб, бўлажак фермерлар дала мактаби учун жой танлаш.

Фермерлар дала мактабини алоҳида лойиҳа сифатида маҳаллий ҳамжамиятлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўймасдан ташкил қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу фаолият маҳаллий ҳамкорлар олиб бораётган стратегияларни тўлдириши, улар билан икки томонлама манфаатдор алоқаларни ўрнатиши лойиҳа муваффақиятининг асосий шартларидан биридир. Шу ўринда нафақат маҳаллий ҳамжамиятлар, балки жойлардаги илмий-тадқиқот институтлари ёки уларнинг филиаллари, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий ўқув юртлари билан ҳам мустаҳкам ишчи ҳамкорлик ўрнатиш зарур.

Манфаатдор гуруҳлар деган тушунча жуда кенг маънога эга бўлиб, шу ердаги аҳолининг, жамиятнинг турли қатламларини ўз ичига олади. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, лойиҳанинг уч даражасининг ҳар бир босқичида манфаатдор гуруҳлар таркиби ўзгариб боради. Республика даражасида маҳаллий ҳамжамиятда ва бевосита фермерлар дала мактаби даражасида ва бошқалар. Манфаатдор гуруҳларни аниқлаш учун ушбу лойиҳани муваффақиятидан, натижасидан кимлар фойдаланиши мумкин деган саволга жавоб топиш етарли асос бўлади. Бунда ҳам бевосита, ҳам билвосита манфаатдор гуруҳлар ўрганиб чиқилади.

## **ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКТАБЛАРИ ДАСТУРЛАРИ МАҚСАДЛАРИ**

Ҳар қандай ФДМ дастурлари маҳаллий, ҳудудий ва республика давлат дастурларига монанд бўлиши зарур. Улар маҳаллий дастурлар доирасида бўлиб, уларга зид бўлиши ёки уларни такрорлаши керак эмас.

Мақсадларни икки хил йўл билан ифодалаш мумкин, биринчи ёндашувда мавжуд амалга оширилаётган дастурлар доирасида, яъни катта глобал ло-

йиҳалар таркибида бўлса, уларнинг мантиқ ва мақсадидан ҳамда мақсадли гуруҳ манфаатларидан келиб чиқиб ифодаланади.

Икинчи ёндашувда эса, қуйидагилар асосида ифодаланиши мумкин:

- бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида аҳоли турмуш тарзи даражасини юксалтириш ва даромад олиш йўлларини кўпайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- ҳамжамиятнинг яхлит ривожланишини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлар турмуш тарзини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги мавқеларини ошириш;
- таваккалчиликни бошқариш доирасида, ҳар хил табиий офатлар, иқлим ўзгариши оқибатларига тайёр бўлиш ва уларни бошқариш, офатлардан сўнг тиклана олишлик;
- агар ФДМ ўз ўрнига эга бўлиб, фаолиятини муваффақиятли юритаётган бўлса, уларнинг республика миқёсида барқарор ривожланишини таъминлаш ва бошқалар.

Мақсадни ифодалашда ФДМ ўзига хослигидан келиб чиқиб қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мумкин:

<b>Ишлатилиши шарт бўлмаган иборалар</b>	<b>Қўлланишга тавсия этиладиган иборалар</b>
Тан олинган технологиялар	Мослаштириш/ҳамкорликда технологияларни ишлаб чиқиш
Технологияларни етказиб бериш. Улар билан ўртоқлашиш	Текшириб кўриш/ҳамкорликда ишлаш
Демонстрация	Тажриба ўтказиш ва танқидий муҳокама
Ўқитиш/таълим бериш	Гуруҳларда ишлашни ташкил қилиш
Ўқратиш/оммалаштириш	Ҳамкорликда ишлатиш, аламшинув ёки иккиламчи фойдаланиш
Ўқитисослаштиришни кучайтириш	Кўптармоқлилик/яхлитлик
Бозорга чиқиш имконияти	Бозорга таъсир кўрсатиш

## ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКТАБИНИНГ ГЕОГРАФИК ТАРҚАЛИШИ

ФДМ тадбирларининг ўтказилиш жойларини олдиндан режалаштириб амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу кўп ҳолларда ушбу лойиҳага ажратилган маблағ ҳажмига боғлиқ бўлади. Асосан, маҳаллий раҳбарлар ФДМ қамрови катта ҳудудларга тенг тарқалган бўлишини хоҳлашади. Улар лойиҳа маблағларининг бир текис тарқалишини ва кўпчиликини қамраб олишини тарғиб қилишади.

Бироқ, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бундай лойиҳалар бир бўғинга бирлашган бўлиб, бир жойда ривожланишининг самараси кўпроқ бўлади. Бундай ёндашувнинг афзалликлари:

- таъсир доирасининг узоқ муддатли бўлиши эҳтимоли юқорилиги;
- мониторинг ва баҳолашни ўтказиш осонлиги ва кам харажатлилиги;
- маҳаллий фасилитаторлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ва ўзаро ёрдамни таҳлил қилишнинг осонлиги ва қулайлиги улар фаолияти сифатининг ошишига олиб келиши;
- гуруҳларнинг бир-бирларидан узоқда бўлмаслиги улар ўртасида ахборотларнинг тез алмашилишига ва ўзаро мусобақа руҳининг пайдо бўлишига хизмат қилади.

## ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКТАБЛАРИНИ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Фермерлар дала мактаблари муваффақиятининг асосий омилларидан бири бу уларга малакали ва етук мутахассисларнинг жалб қилинганлигидир. ФДМ кичик мустақил лойиҳа кўринишида бўладими ёки бирон глобал лойиҳанинг ажралмас компоненти бўладими, унда доим энг кучли профессионал мутахассислар фаолият юритишлари керак. ФДМ таркибида менежерлар, инструкторлар, консультантлар, методистлар, фасилитаторлар фаолият юритишади. ФДМ фаолиятини катта менежерлар бошқарса, улар шу лойиҳа доирасида керак бўладиган инсон, молия ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишлари лозим бўлади.

Бунинг учун улардан нафақат ўз соҳасининг устаси бўлиш, чуқур техник билимларга эга бўлишдан ташқари, ФДМ фалсафасини, концепциясини, унинг мақсад ва вазифаларини ҳам чуқур билиш талаб қилинади. Улар лойиҳанинг мазмунига, амалга ошириш шакллариغا, лойиҳага тақлиф этилган мутахассисларнинг логистикасига, уларнинг малака оширишларига, фермерлар фаолияти координациясига, маҳаллий, ҳудудий ҳамда республика даражасидаги ҳамжамиятлар билан алоқаларга тўлиқ жавоб берадилар.



## ФДМ КАТТА ИНСТРУКТОРЛАРИ

ФДМ катта инструкторлари ҳар томонлама кенг тажрибага эга бўлган ин-  
структорлар бўлиб, ФДМ методикаси бўйича мавсумий курсларда ўқиган ҳамда  
ФДМ методикаси бўйича ўқиган ҳамда

### ФДМ катта инструкторлари қуйидагилар ҳам қиради:

ФДМ катта инструкторларга устозлик вазифасини

ФДМ катта инструкторлари қуйидагилар ҳам қиради:

ФДМ катта инструкторларини мониторинг қилиш, баҳолаш, кузатиш ва

ФДМ катта инструкторлари қуйидагилар ҳам қиради:

ФДМ катта инструкторларга устозлик вазифасини

ФДМ катта инструкторларини мониторинг қилиш, баҳолаш, кузатиш ва

ФДМ катта инструкторларини мониторинг қилиш, баҳолаш, кузатиш ва

ФДМ катта инструкторларини мониторинг қилиш, баҳолаш, кузатиш ва

ФДМ катта инструкторларини мониторинг қилиш, баҳолаш, кузатиш ва

- *ФДМ фаолиятини асосий амалга оширувчиси сифатида ишлаш ва ҳокимият*

Агар ФДМ ташкил топаётган ҳудудларда катта инструкторлар кам бўлади, албатта олдиндан уларни тайёрлайдиган фундаментал тайёрлов курсларини ташкил этиш, уларга дала амалиётини ҳам ўргатиш зарур бўлади. Ёш чет эллардаги шу турдаги курсларда иштирок этиш орқали ҳам катта инструкторларни тайёрлаш мумкин бўлади. Шу билан бирга улар бошқа ташкилотлар ҳаттоки бошқа мамлакатлардан ҳам жалб этилиши мумкин.

Лойиҳа муваффақиятининг омилларидан бири бу катта инструкторларнинг ёрдамчи консультантлари савияси, улар катта ёшдагилар билан ишлаш техникасидан хабардор бўлиб, иш жараёнини тўғри ташкил қилишни билишлари лозимлигидир. ФДМ фаолиятини ташкил этишда кучли ҳар томонлама гуруҳга тайёрланган профессионал катта инструкторлар мавжудлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Катта инструкторлар ва маҳаллий фасилитаторлар ўртасида катта ўзгариш бўлмаслиги учун ҳар бир ФДМ лойиҳаси доирасида тор соҳадаги консультантлар, экспертлар гуруҳи фаолият кўрсатишлари керак. Улар маҳаллий иштирокчилар билан бевосита мулоқот қилишиб, уларнинг иштирокларини йўналтириб турадилар ва янги технология ҳамда билимларнинг ҳамкорлигида ишлаб чиқиш жараёнларини ташкил этадилар.

ФДМ таркибида энг асосий вазифалардан бирини маҳаллий фасилитаторлар бажарадилар. Улар мактаб иштирокчилари билан бевосита кунлик ҳафталик/ойлик алоқалар ўрнатишиб, фермерлар учун гуруҳ иш жараёнини ташкил қиладилар. Албатта фасилитаторлар катта инспекторлар томонидан ташкил этилган ўқув курсларини битирган ва бирон техник соҳа мутахассиси бўлишлари лозим. Фасилитатор сифатида давлат ташкилотлари мутахассислари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этиши мумкин, фақат маҳаллий ҳокимият вакиллари фасилитатор ролида иштирок этиши тавсия этилмайди.

Маҳаллий фасилитаторлар яхши оғзаки мулоқот кўникмаларига тинглаш қобилиятига эга ва қўллаб-қувватловчи бўлишлари керак.

### **Фасилитаторлар учун қуйидаги талаблар қўйилади:**

- *қишлоқ хўжалиги соҳасининг бирон йўналишида базавий маълумотга эга;*
- *маҳаллий агротизим билан техник жиҳатдан таниш;*
- *ФДМ фаолиятида иштирок этиш имконига эга;*
- *тажриба алмашишни ва маҳаллий ҳамжамият билан алоқалар ўрнатишни билиши;*
- *одамлар билан мулоқот ўрнатиш кўникмаларидан хабардор бўлиши ва интерфаол усуллардан фойдаланишни билиши;*
- *маҳаллий тилда сўзлаша олиши ва шу ҳамжамиятда яшаши;*
- *ҳаракатчан ва ўзига ишонган.*

ўзгаришлар динамикасини назорат қилиш, солиштириш имконини беради. Бу маълумотларга ижтимоий ҳолат ҳақидаги, этник, демографик, иқтисодий, маданий ва бошқа кўрсаткичлар киритилади.

Худудни ўрганиш босқичидан сўнг ФДМ ўқув режаси ишлаб чиқилади. Бунда шу ҳудуд фермерларига тўсиқ бўлаётган муаммолар ечимини топиш ўқиш режасининг асосини ташкил этиши лозим. Ўқув режаси бир мавсумга тузилиб, кейинги йилларда янги вужудга келаётган эҳтиёжлар асосида тўлдирилиб борилади. Иштирокчилар қайси муаммони қандай ҳал этиш усулини таклиф қилишларидан қатъий назар улар шу муаммони ечиш жараёнига бевосита жалб қилинган бўлишлари керак.

Ўқув режаси лойиҳа мақсадлари билан лойиҳа доирасида фермерлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга оширилаётган фаолият турларини ўзаро манتيқий бирликда боғлашга хизмат қилиши керак.

ФДМ бу комплекс, ҳар томонлама ўқитишга хизмат қиладиган майдончадир. Бу ерда фаолият фермерларни нафақат техник масалалардаги у ёки бу муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган бўлади, балки лойиҳага билвосита алоқадор бўлган, лекин улар ҳаёти ва ижтимоий фаровонлиги учун хизмат қиладиган масалалар, масалан гендер тенглиги, маҳаллий аҳолининг овқатланиш сифати ҳамда ҳажми ва бошқалар ҳам ўқув дастуридан жой олиши керак.

## МОНИТОРИНГ ВА БАҲОЛАШ

Мониторинг – бу доимий равишда ФДМ иш режасида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш жараёни бажарилаётганлиги ҳақида маълумотларни тўплашдир. Мониторинг ҳар қандай лойиҳа бошидан қўлланилиб, амалга оширилаётган ишлар иш режасига мутаносибелигини, улар сифатини назорат қилиш, пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳолатлардан келиб чиқиб иш режасига ўзгартиришлар киритиш вазифаларини ҳам бажаради. Умуман олганда мониторинг тизимли равишда лойиҳа бошидан то охиригача амалга оширилиши лозим.

**Баҳолаш – ФДМ натижалари ва улар самардорлигини аниқлаш жараёнидир.** У мавсум сўнгида ёки оралиқ муддатларда амалга оширилади. Бунда амалга оширилган фаолият натижасида келиб чиққан оқибатлар ёки уларнинг таъсирлари якуний натижа бўлади. Хусусан, баҳолаш натижасида, амалга оширилган фаолият ёрдам бердими, иштирокчилар лойиҳада кўзда тутилган билим, кўникмаларни олишдими, деган саволларга жавоб топишга хизмат қилади. Бундан ташқари баҳолаш қўлланилаётган усул ва услубиётларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш имконини ҳам беради.



Ушбу баҳолаш натижасида олинган маълумотлар стратегик режалаштириш жараёни учун, кейинги ўқув курслари ва дастурларини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш учун асосий манба бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун режалаштириш ва мониторинг ҳамда баҳолаш жараёнлари ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Мониторинг ва баҳолаш иштирокчилар ҳамда лойиҳани критикчилар учун олинган тажрибаларни танқидий ўзлаштириш натижасида келажакдаги мақсад ва фаолиятларни самарали режалаштириш имконини беради.

Мониторинг ва баҳолаш интерфаол ёндашувни ифодалаши, ушбу жараён-да барча лойиҳа иштирокчиларни ўз даражаларидан келиб чиқиб иштирок этилишларини таъминлаши лозим.

**ОДМ ўзгаришлар воситасидир.** Бироқ режалаштириш жараёнида қайд этилган натижалар, амалга ошириши керак бўлган таъсирлар тўлиқ ҳисобга олинмаган, ресурслар билан таъминланмаган ва уларни **ўлчаш индикатор-**лар ишлаб чиқилмаган бўлса, бу ўзгаришлар амалга ошмаслиги ёки тўлиқ бўлмаган натижаларга олиб келиши мумкин.

**Шунинг учун лойиҳа дастурини ёзиш билан бирга лойиҳа натижаларини кўрсатувчи сон ва сифат индикаторларини ишлаб чиқиш лозим. Бу индикаторлар лойиҳа даврининг ҳар бир босқичи учун алоҳида ишлаб чиқилиши ке-**рак.

Мониторинг ва баҳолаш жараёни натижаларини умумлаштириш ва улар-дан фойдаланишдан олдин бу маълумотлар қачон, қай тарзда, қандай тўп-ланганлигига амин бўлиш керак. Мониторинг натижаларини ишончилигини таъминлаш учун сон ва сифат индикаторлар кўрсаткичлари биргаликда таҳ-лил қилиниши керак.





## II. ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА ҚАШҚАДАРЁ ВА БУХОРО ВИЛОЯТЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКТАБЛАРИНИ ТУЗИШ ИШ РЕЖАСИ

*“Марказий Осиё ва Туркиянинг қурғоқчил ва шўрланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ландшафтларида табиий ресурсларни комплекс бошқариш” (CACILM-2) лойиҳаси мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўз фаолиятини 3 та мақсадли (фокус) гуруҳ даражасида олиб борилади.*

1. Республика даражасидаги шу соҳага алоқадор вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиш орқали аграр соҳадаги сиёсатини амалга ошириш бўйича тегишли дастурларни қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнида лойиҳа натижаларидан фойдаланишни таъминлаш.
2. Маҳаллий ҳудудий даражадаги илмий тадқиқотчилар, шу соҳа эксперт ва мутахассислари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш. Ҳамкорликнинг асосий мазмуни эса илмий-тадқиқот институтлари изланувчиларини шу масалаларга жалб қилиш, улар илмий изланишларини фермерлар далалари даражасида ҳам қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни ушбу йўналишда синовдан ўтган дунё тажрибасидаги усул ва услубиётларни маҳаллий шароитларга мослаштириб оммалаштиришдан иборат.
3. Бевосита фермерлар дала мактаблари иштирокчилари билан ҳамкорликни амалга ошириш. Бунда ҳар бир ҳудудда тажриба участкаси сифатида танлаб олинган ерларга ўхшаш ери бор, шу ҳамжамиятда ишлайдиган, яшайдиган фермерларни лойиҳага жалб қилиш. Бунда шу лойиҳада иштирок этиш истаги бор, ўз тажрибасига эга, янгиликларга очиқ, бошқа фермерлар орасида ўз обрўсига эга, бошқаларни ўзларига эргаштира оладиган фермерларни танлаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

## ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИ

1. Аграр соҳага алоқадор маҳаллий давлат, жамоат ташкилотлари билан лойиҳани ҳамкорликда олиб бориш тўғрисида ўзаро келишувга эришиш. Улар билан лойиҳа доирасида олиб бориладиган ҳамкорлик иш режасини ишлаб чиқиш.
2. Лойиҳа доирасида иш олиб борадиган консультант ва экспертлардан ишчи гуруҳини тузиш. Ушбу гуруҳ таркибини қурғоқчилик ва шўрланиш бўйича асосий экспертлар, тупроқшунослик, ирригация, уруғчилик, ўрмончилик, қонунчилик, маҳаллий расмий ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатувчи, тренинглар, оммавий ахборот воситалари йўналишлари бўйича экспертлар билан танлов асосида шакллантириш.
3. Лойиҳа доирасида фаолият олиб бориладиган ҳудудларни танлаб олиш. У ердаги расмий ва норасмий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик шартларини келишиб олиш ва ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш. Жойларда лойиҳани таянч ҳамкори бўладиган ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномларини имзолаш.
4. Маҳаллий ва ҳудудий даражадаги шу соҳа доирасида фаолият юритадиган экспертлар гуруҳидан иборат кенгашларни ташкил этиш ва улар малакасини ошириш бўйича ўқишларни ташкил этиш.
5. БМТ нинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ташкилоти томонидан тан олинган шўрланиш ва қурғоқчилик салбий оқибатларини самарали бошқаришга мўлжалланган турли хил технологиялар, янги услубиёт ҳамда ёндашувларни ўрганиш ва маҳаллий шароитга мослаштирган ҳолда оммалаштиришга оид ўқув ва чора-табдирлар режасини ишлаб чиқиш.
6. Лойиҳа доирасида фаолият юритадиган мутахассис, консультантлар ва фасилитаторларни танлаб олиш ва улар учун ўқитишни ташкил этиш.
7. Маҳаллий фермер ва ҳамкор ташкилотлар билан қурғоқчил шўр ерларга мослашган экинларни янги технологиялар асосида экиш ва уларни керакли техника ва воситалар билан таъминлаш. Улар ерлари структурасини таҳлил қилиш ва шу ерларга мос экинларни танлаб олиш.
8. Фермерлар дала мактабларининг иштирокчиларини танлаб олиш ва улар билан ҳамкорликда экинлар вегетация даврини мониторинг қилиш, таҳлил қилиш ва анъанавий усулда экилган экинлар билан қиёсий солиштирма натижаларини кузатиб бориш.
9. Фермерлар дала мактабларига фасилитаторларни танлаб олиш ва улар билан ФДМ фаолиятини иш режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш.
10. ФДМ фаолиятини ва унинг ютуқ ҳамда тажрибаларини кенг оммавий ах-

борот воситаларида ёритиб бориш орқали кенг жамоатчиликни амалга оширилаётган ишлардан хабардор қилиш ва жамиятда лойиҳага, унинг натижаларига нисбатан хайрихоҳлик кайфиятини уйғотиш.

## ФЕРМЕРЛАР ДАЛА МАКАТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Лойиҳа доирасида 2 та ҳудудда Фермерлар дала мактабини ташкил қилиш кўзда тутилган. Лойиҳанинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, бу ҳудуд ўзининг ўзига хос хусусиятларига Қашқадарё вилоятида танлаб олинган ҳудуд ҳам суғориладиган, ҳам қурғоқчиликка мойил ер участкалари бўлиб, бу ерда очиладиган Фермерлар дала мактаби қурғоқчил ерларда иқлим ўзгаришларини бошқариш, ер структурасини яхшилаш ва бундай ерларда ҳам иқтисодий, ҳам техник самара берадиган маҳсулотларни етиштириш технологияларига ихтисослаштирилган бўлади.



Бухоро вилоятида очилган ФДМ эса шўрланиш юқори бўлган ерларда деҳқончилик қилиш йўналишида бўлиб, фермерларни шўрланишга ерларни бошқариш, бундай ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг янги технологияларини лойиҳа мутахассис ва экспертлари билан ҳамкорликда оммалаштиришни кўзда тутди.



ФДМ тренинглари мавзуси ва мақсадига кўра иштирокчилари таркиби доимий ва бир марталик бўлиши мумкин. Доимий иштирокчилар юқорида қайд этилгандек қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- танлаб олинган ерга ўхшаш бўлган ер участкасига эга бўлиши;
- шу ҳудудга яқин жойда истиқомат қилиши;
- таҳлилий фикрлашга мойил ҳамда янгиликларга очиқ бўлиши;
- фермерлар орасида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлиши;
- ФДМ да иштирок этиш истаги бўлиши ва бошқалар.

ФДМ доимий иштирокчилари сони 20–25 киши атрофида бўлиши мақсадга мувофиқ. Уларга маҳаллий ҳудуддаги танлаб олинган аграр соҳа эксперти фасилитаторлик қилиши мумкин.

ФДМ мактабида ўқишни ташкил этиш икки хил кўринишда бўлиши мумкин. Биринчи ва асосийси дала участкаларидаги “деворсиз” ўқиш жойлари. Иккинчиси эса, мавзу ва унинг давомийлигига кўра оддий ўқув хоналари ҳам бўлиши мумкин.

## ДАЛА УЧАСТКАСИДА ЎҚИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Қатнашчилар сони – 20–25 киши

Муддат – 2–3 соатгача

Мавзуда вақти – дала участкаси

Мавзуда даврийлиги – 1 ойда бир марта

Намуни	Даво- мийли- ги	Изоҳ
Қатнашчиларни рўйхатга олиш	15 мин	Доимий иштирокчилар давомати фасилитатор томонидан юритилади
Қатнашчиларни кичик гуруҳларга тарқатиш ва ҳар бир гуруҳга мавзуда вазифа билан даладаги ўқитиларни кузатишни таъминлаш	20 мин	Фасилитатор билан ҳамкорликда
Ўқитилар натижаларининг қадриятини ва муҳокамаси	30 мин	Ҳар сафар тақдимотчилар ўзгариб туриши керак
Ўқитилар мавзу бўйича эксперт билан суҳбат	30 мин	Таклиф қилинган меҳмон маърузаси
Ўқитиларга ва муҳокамалар	15 мин	
Ўқитилар мавзусидан тақдимот билан интерфаол техника	20 мин	Бу фермерлар, уларнинг оилалари учун қизиқ бўлган мавзуда бўлиши керак
Ўқитиларни яқунлаш, уйга қатнашчиларни аниқлаш	10 мин	

## АУДИТОРИЯДА ФЕРМЕРЛАР УЧУН ЎҚИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Иштирокчилар сони – 30–40 кишигача

Муддати – 1 кундан 5 кунгача бўлан қисқа муддатли курслар

Ўтказилиш жойи – ўқув хонаси

Ўтказилиш даврийлиги – 3 ойда бир марта

№	Мазмуни	Даво- мийли- ги	Изоҳ
1.	Иштирокчиларни рўйхатга олиш	15 мин	Доимий иштирокчилар давомати фасилитатор томонидан юритилади
2.	Курснинг расмий очилиши	10 мин	Мутасадилар
3.	Танишув, қоидаларни ишлаб чиқиш, кутилаётган натижалар	20–30 мин	Мақсад иштирокчилари билан алоқа ўрнатиш
4.	1-сессия	90 мин	
5.	Техник танаффус	15 мин	
6.	2-сессия	90 мин	
7.	Тушлик	1 соат	
8.	Энержайзер	15 мин	Фаолликни ошириш
9.	3-сессия	90 мин	
10.	Техник танаффус	15 мин	
11.	4-сессия	90 мин	
12.	Кун якунида хулоса ва умумлаштириш	15 мин	
13.	Ақлий машқ ёрдамида янги кунни бошлаш	15 мин	Иштирокчиларнинг фикрларини жамлаш
14.	Ўқитишнинг мавзуси мураккаблигига қараб сессиялар орасида интерфаол техникалар билан таништириш	10–15 минутдан	Кичик эмоционал ҳордиқ учун

Бунда иштирокчилар таркиби турлича бўлиши мумкин. Асосий мезон эса ўқитиш мавзуси ва мақсадларига боғлиқдир.

Фермерлар учун аудитория шароитида ўқишни ташкил этиш учун тавон этиладиган мавзулар:

- фермерлик фаолиятининг у ёки бу йўналишларини очиб беришга қар-

- тилган махсус бўлиши;
- бирон янги технология ёки инновация билан таништириш;
  - уруғчилик янги навлар бўйича, улар агротехнологиялари бўйича;
  - турли зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш бўйича;
  - суғориш технологиялари, жумладан, томчилатиб суғориш бўйича;
  - қишлоқ хўжалигида кимёвий ва табиий препаратларни қўллаш бўйича;
  - қонунчиликдаги, солиқ соҳасидаги, фермерлар фаолиятига бевосита алоқадор бўлган янгиликлар ҳақида;
  - кўп тармоқли фермер ташкил қилиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича;
  - бизнес режа тузиш, даромадни ошириш, маркетинг тадқиқотлар ўтказиш бўйича;
  - экспорт, импорт йўналиши бўйича;
  - бухгалтерия хужжатларини юритиш ва ҳисоботларни вақтида топшириш бўйича;
  - техника ва технологияларни топиш ва сотиб олиш бўйича;
  - кредит, лизинг ва бошқа молия манбалари билан ҳамкорлик қилиш бўйича;
  - маҳаллий ҳамжамият билан ўзаро манфаатдор ҳамкорлик бўйича;
  - шахсий ўсиш бўйича фермерлар, уларнинг оилаларига мўлжалланган ва фермерлар талабидан келиб чиқиб бошқа мавзуларда ўқишлар қилиш мумкин.



Агар аудитория шароитида фермерларни ўқитиш кўп ҳолларда семинар кўринишида ташкил этилса, яъни асосий урғу маълумотни етказиб беришга қаратилган бўлса, уларни дала шароитида ўқитиш тренинг кўринишида амалга оширилади. Бунда иштирокчилар бевосита кўникмаларга эга бўладилар. Семинарларда маълумотлар етказиб берилса, тренингда эса кўникмалар шакллантирилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, маълумот етказиб бериш доим ҳам ўз самарасини беравермайди, ҳозир энг долзарб ўқитиш усули бу кўникмаларни шакллантиришдир.

***Ташкил этилаётган Фермерлар дала мактабларининг дастлабки даврдаги фаолиятида иккала ўқитиш модели ҳам қўлланилади, чунки маҳаллий шароит, фермерларнинг билим савияси ва талаблари шуни тақозо этади.*** ФДМ ривожланиб бориши ва биринчи йилда тўпланган тажриба натижасида ушбу асосий иш режасига ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш мумкин бўлади.



## ХУЛОСА

Шундай қилиб, “Марказий Осиё ва Туркиянинг қурғоқчил ва шўрланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ландшафтларида табиий ресурсларни комплекс бошқариш” (ИСЦАУЗР-2) лойиҳаси доирасида “Фермерлар дала мактаблари”ни ташкил этиш Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида нисбатан янги амалиёт бўлиб, у ўз ичига дунёнинг бошқа мамалакатларида амалга оширилиб келинаётган шу каби лойиҳалар тажрибаларини муваффақлаштирган.

Юқорида қайд этилганидек, ФДМни ташкил топиш жараёни XX аср охири ва XXI аср бошларида бошланган бўлиб, **уларнинг қатъий стандарт шакли йўқ, улар ҳар бир ҳудуд, ҳар бир мамлакат учун уларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб у ёки бу кўринишида амалга оширилиши мумкин.**

Ўз навбатида ФДМ ташкил этишнинг маълум бир қоидалари ва тамойиллари бўлиб, улар барча мамлакат ва ҳудудлардаги мактаблар учун бир хил аҳамият касб этади.

Буларнинг энг асосийларидан бири эса **“Сақлаб қол ва Кўпайтир”** тамойилидир.

Унга кўра мавжуд қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд табиий ресурсларни келажак авлод учун сақлаб қолиш ва уларнинг ҳосилдорлигини кўпайтириш лозимлиги эътироф этилади. Барча ФДМ лар ана шу тамойил асосида шаклланади.

Ушбу қўлланмада келтирилган тавсия ва кўрсатмалар юқорида кўрсатилган лойиҳа доирасида, мазкур лойиҳанинг мақсад ва вазифаларига мослаштирилиб ёзилган. Лекин бошқа лойиҳалар доирасида ФДМ ташкил этмоқчи бўлган фойдаланувчилар учун ҳам ушбу қўлланма тавсиявий характерга эга бўлиб, уни ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тўлдириш ва ривожлантириш имконига эгадирлар.

Юқорида таъкидланганидек, шиддат билан ўзгараётган замонда атроф-муҳит, шарт-шароитлар ҳам жуда тез ўзгариб бормоқда. ФДМ нинг фундаментал базаси эса бу аниқ ҳудудга, ерга боғлаб илм-фан ва қишлоқ хўжалиги амалиётини ривожлантиришдир, шунинг учун ушбу қўлланма руҳидан келиб чиқиб, замонга ҳамнафас бўлган янги йўналишларни, янги амалиётларни жорий қилиш мумкин.

Ушбу қўлланмани тайёрлашда Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг дунё миқёсидаги илғор тажрибалари ҳақидаги мақолалар ва қўлланмалардан кенг фойдаланилди, ФАО сайтларидаги шу мавзуга оид материаллар атрофлича ўрганиб чиқилиб, маҳаллий шароитларга мослаштириб олинди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Полевая школа фермеров . Планирование с целью повышения качества программ. РУКОВОДСТВО. Перевод на русский язык и подготовка к изданию выполнены под руководством Хафиза Муминджанова. Продовольственная и сельскохозяйственная организация Объединенных Наций. Анкара, 2016.
2. Руководство по организации работы полевых школ дайхан по управлению почвенными и водными ресурсами в дайханских объединениях. Фао-тср/tuk/2902 – управление почвенными и водными ресурсами в схемах орошения. Ашхабад, 2004.
3. Протокол вводного совещания проекта ТСП/KYR/3403 «Развитие полевых школ фермеров с целью внедрения современных технологий возделывания сельскохозяйственных культур и борьбы с вредителями».
4. Партнерства в полевых школах фермеров. Продовольственная и сельскохозяйственная программа ООН.
5. Сандра Корси. Тупроқни ҳимояловчи ва ресурс тежовчи қишлоқ хўжалиги амалиёти. Шарқий Европа ва Марказий Осиё қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва фермерлари учун ўқув қўлланма. Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Ҳ. Мўминжонов раҳбарлиги ва умумий таҳрири остида.
6. Материалы и публикации о Полевых школах фермеров опубликованных на сайтах ФАО.

(18)

International Journal of Business

Management Review

Volume 10, Number 1, 2018

ISSN 1548-7717

DOI: 10.1108/IJBR-10-2018-0001

Copyright © Emerald Group Publishing Limited

All rights reserved

EMERALD GROUP PUBLISHING LIMITED

100 Brook Hill Drive, Westborough, MA 01581, USA

100 Brook Hill Drive, Westborough, MA 01581, USA

INTERNATIONAL JOURNAL OF BUSINESS MANAGEMENT REVIEW

ISSN 1548-7717

Copyright © Emerald Group Publishing Limited

ISSN 1548-7717

40.000 ₺

Муаллифлар: А.Исломов, М. Қосимов

Муҳаррир: У.Раджабова

Нашриёт лицензияси АИ № 263 31.12.2014  
Босишга рухсат этилди 10.11.2020 й. Бичими 70x100 1/8  
«PT Sans» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Босма табоғи 5,7. Адади 500 нусха.  
Буюртма № 0122/2

«BAKTRIA PRESS» МЧЖ Нашриёт уйи  
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25  
тел.: +998 (71) 233-23-84

«PRINT MEDIA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди  
Манзил: Тошкент ш., Ўзбекистон овози кўч. 32  
Tel.: + 998 (71) 232-25-66

ISBN 978-9943-6238-8-0



9 789943 623880